

## Шартнома № 8

(Аутсорсинг усулида тиббиёт бирлашмаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш буйича)

Нарпай тумани

«20» Май 2022 йил

“Шавкатжон Замон Нур” Ма’сулияти cheklangan jamiyati директори М.Ёркулова (кейинги матнларда “Аутсорсер”) бир томондан, Устав асосида иш юритадиган Нарпай туман Тиббиёт Бирлашмаси бошлиги Ш.Б.Парманов, (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан, ушбу шартномани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.01.2020 йилдаги 16-сонли ҳамда 22.06.2020 йилдаги ПҚ-3800 қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли қарори, 07.12.2018 йил ПФ-5590 ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 13.12.2018 йилдаги 646-сон буйруғи билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чора-тадбирлари режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг қўшимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторига ўтказиш юзасидан 2022 йил учун тузилган чора-тадбирлар режаси» асосида мазкур шартномани туздилар.

### I. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома предмети булиб, Аутсорсер томонидан буюртмачи маблағлари ҳисобидан кунига 3 маҳал беморларга иссик овқат ташкил этиш ҳисобланади.

Шартнома тузиш кунига беморларнинг рўйхатдаги сонидан келиб чиққан ҳолда ҳамда санитар меёрларига асосан тузилган жавдвалга асосан шартнома суммаси 681 439 500 (олпи юз саксон бир миллион тўрт юз уттиз тўққиз минг беш юз) сўми ташкил этади.

1.2. Аутсорсер томонидан буюртмачи билан келишилган ҳолда қўшимча шартлар асосида тиббиёт бирлашмаси беморларга кунига 3 маҳал иссик овқат ташкил этишга руҳсат этилади.

Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “20” майдан.

2022 йил “31” Декабр гача.

1.3. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсинг томонидан амалда курсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсинг мазкур Шартномада курсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сунг Хизматлар курсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таниархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Курсатилган хизматлар учун ўқун вақтида туловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Курсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

#### 2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жих, озлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, сақлаш, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини курсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳдмда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиш

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачи икки ой олдин ёзма равишда оғохлантириш, ушбу муддат тугагунга қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини ўзлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида курсатилган муддатда ва тўхтамда курсатиши;

2.2.7. Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тугрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қуриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат курсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бонщалар моддий воситаларни соз ҳолда сақдаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топширни далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бонщалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунга қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни уқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

#### **2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.**

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда курсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тулаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳисобини тулаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III Хизматлар нархи ва узаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи (681 439 500) сумми ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан курсатилган хизматлар учун узаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Курсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи қўндиқлик буюртмага мувофиқ; Аутсорсер билан биргаликда ҳар ун кунда, туланиши лозим бўлган суммаси курсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан

имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда курсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ; булмаган микдорда туланади. .

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида курсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта куриб чиқилади.

#### **IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тулаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар буладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба курсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказиш га (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида да амалда булган фуқаролик қонун қилиги нормаларига мувофиқ; қўлланилади.

#### **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин булган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади. 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб булмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таъмили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга қуриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб булмас қуч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоқида давр оқибати қисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ўшбу ҳолатлар рўй берган муддатга сурилади.

#### **VII КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қўраш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қўллаб-қувватлайди.

7.2. "Истеъмолчи" "Ўтказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қўллаб-қувватлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ўтказиб берувчи"нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

#### **VIII. Яқинловчи қоидалар**

8.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг қўлланилади.

кисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисминн ташкил этади. 8.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома буйича уз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас. 8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил булиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси булади.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддатни

9.1. Мазкур шартнома *Нарнай* тумани буйича Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий деб ҳисобланади ҳамда 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

### X. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари.

#### «Аутсорсер»

«Шавкатжон Замон Нур» Ма'сুলiyati  
cheklangan jamiyati

(мол отказиб берувчининг номи)

#### «Буюртмачи»

Нарнай туман Тиббиёт Бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил *Нарнай* туман Октош шаҳар Бустон 9

Тел./факс +998 94 280 32 53

Х/р: 20208000005164750001

СТИР 307041989

МФО: 00731

Банк номи АТ Қалқ банк *Нарнай* филиали

Рахбар

М.Ёркулова

М.Ў.



Манзил *Нарнай* туман Меҳнат-Рохат 125 уй  
ш/х\* 100022860182187073101054001.

бюджетдан маблағ олувчи СТИР 200752673

ОКОНХ 91511

*Нарнай* тумани буйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош  
бошқармаси ХҚҚМ

МФО 00014, Ғазначилик бўлинмаси СТИР  
201122919

Рахбар:

Ш.Б.Парманов

М.Ў.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси**  
**комиссия раиси**  
**А.Э.Худойбердиев**

Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига (Ошхона) Аутсорсинг хизмат  
кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия  
йигилиши  
**БАЁНИ**

Нарпай тумани

«20» Май 2022 й.

Раислик қилувчи

А.Э.Худойбердиев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

А.Худойбердиев.	Комиссия аъзоси, бошлиқ ўринбосари
Д.Тухташева	Комиссия аъзоси,
Н.Пирмаматов	Комиссия аъзоси,
И.Танибердиев	Комиссия аъзоси,
А.Эшмуродов	Комиссия аъзоси,
Ж.Санаев	Котиб

**КУН ТАРТИБИ:**

Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига (Ошхона) Аутсорсинг хизмат бўйича.

---

(Д.Тухташева, Н.Пирмаматов, И.Танибердиев, А.Эшмуродов, Ж.Санаев,  
А.Худойбердиев)

Бирлашма томонидан 2022 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига бино иситиш тизимни жорий таъмирлаш бўйича № 22110012084077 -лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 10 майдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига (кирхона) Аутсорсинг хизмат кўрсатиш” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан "Шавкатжон Замон Нур " МЧЖ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига

асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бирлашма бош бухгалтери Ж.Санаевга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 20 Майдаги электрон баённомасига асосан ғолиб " Шавкатжон Замон Нур " МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3.Хисобчи: Қ.Назаровга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

### Комиссия аъзолари


А.Худойбердиев.  \_\_\_\_\_

Ж.Санаев  \_\_\_\_\_

Н.Пирмаматов,  \_\_\_\_\_

И.Танибердиев  \_\_\_\_\_

А.Эшмуродов  \_\_\_\_\_

Д.Тухташева  \_\_\_\_\_



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
NARPAY TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH  
MARKAZI**

141200. Narpay tumani, Nog‘oraxona mahallasi “Kamalak” ko‘chasi  
el.pochta: narpayyurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 20-may

Oqtosh shahri

Narpay tuman Tibbiyot birlashmasi va “**SHAVKATJON ZAMON NUR**” MChJ o‘rtasida tuzilgan “Autorsorser tomonidan buyurtmachi mablag‘lari hisobidan kuniga uch mahal issiq ovqatlantirishni tashkil etish” bo‘yicha

tuzgan shartnoma loyihasi yuzasidan

**HUQUQIY XULOSA:№**

Mazkur shartnoma loyihasini O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o‘tkazib:

- Shartnoma loyihasiniig amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob berishini va qonunga mos holda tuzilganligini;

- Tomonlarning shartnomada ko‘rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o‘zaro nizolarni hal qilish yo‘llari O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi hamda «Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida»gi qonuni asosida belgilanganligini aniqladim.

Yuqoridagilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari asosida tuzilgan deb hisoblayman va tomonlarga uni imzolashni tavsiya etaman.

**Bosh yuriskonsult**  
**20.05.2022**



**M.D.Mardiyev**